# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

**2022 ЙИЛ — ИНСОН ҚАДРИНИ УЛУҒЛАШ ВА ФАОЛ МАҲАЛЛА ЙИЛИ**

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2022 йил 1 апрель, № 68 (8130) Жума

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


# ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ОМИЛЛАР ТАҲЛИЛ ҚИЛИНИБ, ЗАРУР ЧОРАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

**Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 31 март куни макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш, бизнесни қўшимча қўллаб-қувватлаш масалалари юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди.**

Халқаро экспертлар жаҳон иқтисодиётидаги ҳозирги мураккаб вазият узоқ давом этишини прогноз қилишмоқда. Бу эса ички бозордаги нарх-навога, айниқса, озиқ-овқат нархлари ва инфляцияга салбий таъсир кўрсатмай қолмайди, албатта.

Шу боис бу омиллар Президент раҳбарлигида мунтазам таҳлил қилиниб, зарур чоралар кўриб борилмоқда. Бу ўз натижасини бериб, ички бозорда мўътадиллик таъминланмоқда.

Хусусан, гўшт, сут, картошка, тухум, гуруч нархининг ошишига йўл қўйилмади. Чет эл корхоналари Тошкент товар-хом ашё биржасида озиқ-овқат маҳсулотларини сотиши учун қўшимча шароит яратилди. Валюта бозори ва айирбошлаш курси барқарорлашди.

**— Бу борада халқимизда ортиқча хавотир ёки безовталик бўлмаслиги керак. Валюта бозорида кескин тебранишларнинг олдини олиш учун захирамиз етарли, — деди давлат раҳбари.**

Кириб келаётган Рамазон ойида нархни арзонлаштириш катта савоб экани, бунинг учун озиқ-овқат ишлаб чиқарувчи тадбиркорларга амалий ёрдам кўрсатиш зарурлиги таъкидланди. Шу мақсадда озиқ-овқат маҳсулотлари импорти учун аввал берилган имтиёзли маблағларни қайтариш муддати йил якунига қадар узайтирилди.

Бош вазир раҳбарлигида республика штаби ҳамда ҳокимлар бошчилигида ҳудудий штаблар ташкил этилди. Уларга бозордаги нарх-навони кундалик ўрганиб, маҳсулотларни аҳоли талабига қараб қўшимча етказиб бериш топширилди. Озиқ-овқат ва хом ашёнинг биржа савдоларига чиқарилиши устидан кунлик назорат ўрнатиш, сунъий равишда нарх ошишининг олдини олиш вазифаси қўйилди.

**— Ҳозир дунёда мураккаб давр давом этяпти, ҳар куни янги синовлар билан тўқнаш келяпмиз. Лекин эртага нима бўлади, деб кутиб ўтириш ярамайди. Муаммоларни тезкор аниқлаб, ҳал қилиш ва янги имкониятларни излаб топишимиз керак, — дея таъкидлади Шавкат Мирзиёев.**

Ташқи хавф-хатарлар таъсирини камайтириш мақсадида тадбиркорларни қўшимча қўллаб-қувватлаш чоралари белгиланди.

Жумладан, банклар томонидан тадбиркорларга хом ашё сотиб олиш ва айланма маблағлар учун қўшимча 10 триллион сўм "револьвер" кредитлар ажратилади. Давлат дастурлари доирасида мева-сабзавотчилик, оилавий тадбиркорлик, ипотека ва таълим кредитлари ҳажми ҳам, имтиёзли ставкалари ҳам сақлаб қолинади.

**— Қанчалик оғир бўлмасин, ажратиладиган маблағларни камайтирмаймиз ва юкини оширмаймиз, — деди Президент.**

Шунингдек, солиқ маъмурчилигидаги янги механизмлар бўйича йил якунигача жарима қўлламаслик, божхона имтиёзларини қўллаш даврини узайтириш бўйича кўрсатмалар берилди.

Йиғилишда Тошкент халқаро инвестиция форуми якунларига ҳам тўхталиб ўтилди.

Мазкур анжуманда қарийб 8 миллиард долларлик шартномалар ва келишувларга эришилган. Кўплаб хорижий тадбиркорлар юртимизда ўз бизнесини бошлаш ёки ривожлантириш истагини билдирган.

Бу келишув ва ташаббуслар тўла амалга ошиши учун инвесторларга барча шароит яратилиши қайд этилди. Иқтисодиёт тармоқлари раҳбарларига хорижий компаниялар билан келишиб, уларнинг ишлаб чиқариш занжирига қўшилиш вазифаси қўйилди. Навоий, Самарқанд, Тошкент, Бухоро ва Сурхондарё вилоятларида қўшни мамлакатлар бозорига маҳсулот етказиб берувчи улгуржи савдо ҳудудлари ташкил этиш зарурлиги таъкидланди.

Ҳудуд ва тармоқларда харажатларни қисқартириш, таъмирлаш, автомобиль, мебель ва офис анжомлари харид қилишни тўхтатиб туриш бўйича қатъий кўрсатмалар берилди.

Халқаро молия бозоридаги ҳозирги нобарқарор вазиятда четдан маблағ жалб қилиш қийин бўлади. Бундай шароитда энг тўғри йўл — бор ресурслардан оқилона ва самарали фойдаланиш.

Масалан, бугунги кунда қиймати 9 миллиард доллар бўлган 105 та лойиҳа доирасида жалб этилган маблағлар ишлатилмай турибди ёки чўзиляпти.

Шу боис Бош вазир ўринбосарига тармоқ раҳбарлари ва вилоят ҳокимлари билан бирга ҳар бир лойиҳани чуқур ўрганиб, ижросини жадаллаштириш, самарасиз ва истиқболсиз лойиҳаларни тугатиш бўйича кўрсатма берилди.

Йиғилишда аҳоли бандлиги масаласига алоҳида эътибор қаратилди.

**— Бу масалага фақат иқтисодий кўрсаткич сифатида эмас, балки "халқимизнинг ижтимоий ҳимояси" нуқтаи назаридан қараш керак, — деди Шавкат Мирзиёев.**

Янги иш ўринлари ташкил этиш кўрсаткичлари вилоят ва туманлар кесимида таҳлил қилиниб, камчиликлар кўрсатиб ўтилди.

Бугунги кунда 67 та фаолият тури ўзини ўзи банд қилиш шаклига ўтказилган. Бундай касблар яна 20 тага кўпайтирилиши, бу орқали қўшимча 150 минг аҳоли бандлигини таъминлаш мумкинлиги айтилди.

Ҳукуматга эҳтиёжманд аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш кўламини янада кенгайтириш бўйича топшириқ берилди.

Йиғилишда муҳокама қилинган масалалар юзасидан мутасаддиларнинг ахбороти эшитилди.

**ЎзА.**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

# МУБОРАК РАМАЗОН ОЙИНИ МУНОСИБ ТАРЗДА ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичида юртимизда миллий ва диний қадриятларимизга бўлган эътибор ва эҳтиром янада ортиб бормоқда. Жонажон диёримизда ҳукм сураётган тинчлик ва осойишталик, хонадонларимиздаги файз ва қут-баракани халқимиз, аввало, Яратганнинг чексиз марҳамати сифатида шукроналик ва миннатдорлик билан қабул қилмоқда.

Айниқса, аҳиллик, ўзаро бирдамлик ва маънавий поклик фазилатлари улуғланадиган қутлуғ Рамазон ойини эл-юртимиз доимо катта хурсандчилик ва кўтаринки кайфиятда кутиб олмоқда. Ушбу муборак кунларда инсон қадрини улуғлашга, оила ҳамда маҳаллага меҳр ва эътиборда бўлиш, ижтимоий кўмакка муҳтож, эҳтиёжманд кишиларга ёрдам ва саховат кўрсатишга қаратилган савобли амаллар янада ёрқин намоён бўлмоқда.

Халқимиз учун эзгулик ва мурувват, меҳр-оқибат рамзи ҳисобланган муборак Рамазон ойини муносиб кутиб олиш ва юқори савияда ўтказиш, муқаддас ислом динининг инсонпарварлик тамойилларини ҳамда маданий қадриятларимизни асраб-авайлаш ва улуғлаш мақсадида:

1. 2022 йил муборак Рамазон ойининг бошланиши **2 апрель** кунига тўғри келиши ҳақидаги Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Дин ишлари бўйича қўмита, Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш вазирлиги ҳамда жамоат ташкилотлари билан биргаликда Рамазон ойини **миллий анъана ва қадриятларга мос ва муносиб тарзда** ўтказишга доир чора-тадбирларни амалга оширсин.

Мазкур тадбирларни ўтказишда ушбу муборак ойнинг мазмун-моҳиятида мужассам бўлган **инсонийлик, шукроналик, сабр-қаноат каби фазилатларни эъзозлаш, мамлакатдаги тинч ва фаровон ҳаётни қадрлаш, оилалар ҳамда маҳаллаларда меҳр-оқибат ва ўзаро ҳурмат муҳитини мустаҳкамлаш, эҳтиёжманд, ижтимоий ҳимояга муҳтож кишиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш**га хизмат қиладиган маърифий тадбирлар ва тарғибот ишларини ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилсин.

3. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Рамазон ойини ўтказиш билан боғлиқ тадбирларни кенг ёритиш тавсия этилсин.

4. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси М.М.Камилов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2022 йил 31 март

ДУНЁ НИГОҲИ

Хорижий экспертлар:

# ТАШРИФ ЯКУНЛАРИ ТАДБИРКОРЛАР УЧУН ИЖОБИЙ ИШОРАДИР

*Туркия Президенти Режеп Таййип Эрдоғаннинг Ўзбекистонга расмий ташрифи якунлари кенг халқаро жамоатчилик, жумладан, халқаро эксперт доиралари вакиллари томонидан таҳлил қилинмоқда.*

**Далия АЛТУНТЕПЕ, Ўзбекистон — Нидерландия дўстлик жамияти раиси:**



— Ташрифни катта қизиқиш билан кузатдим. У ҳар доимгидек ўта мазмунли бўлди. Ташриф дастуридан расмий учрашувлар ҳам, маданий тадбирлар ҳам ўрин олди. Ишончим комилки, буларнинг барчаси туркиялик меҳмонларда унутилмас таассурот қолдирди.

Бу ҳақда гапирар эканман, ушбу ташрифга ва умуман, Ўзбекистон — Туркия ҳамкорлигига Европа мамлакатларида, хусусан, Нидерландия ва Германияда яшовчи йирик турк диаспораси орасида қандай қарашлар мавжудлигига эътибор қаратишни истар эдим.

→ 2

# КАЛИФОРНИЯ ИШБИЛАРМОН ДОИРАЛАРИ ВАКИЛЛАРИ ЎЗБЕКИСТОНГА КАТТА ҚИЗИҚИШ БИЛДИРМОҚДА

*Ўзбекистоннинг Вашингтонда жойлашган элчихонаси томонидан Сан-Диего шаҳар (АҚШ, Калифорния штати) минтақавий савдо палатаси президенти Жерри Сандерс бошчилигидаги делегация иштирокида бизнес қабул маросими ташкил этилди.*

Тадбирда Калифорния штатининг расмий, ишбилармон, маданий-гуманитар доиралари ҳамда Мексиканинг мазкур штат билан чегарадош бўлган шаҳарларининг нуфузли вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистоннинг АҚШдаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Жавлон Ваҳобов тадбир қатнашчиларини мамлакатимизнинг замонавий тараққиёти, иқтисодиётни либераллаштириш бўйича амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёнлари, қулай инвестиция муҳитини шакллантириш, шунингдек, инсон капиталини мустаҳкамлаш борасидаги ўзгаришлар билан яқиндан таништирди.

→ 3

Анжуман

# ЮРТИМИЗДА МЕҲНАТ МУНОСАБАТЛАРИ ТИЗИМИ ЖАҲОН АНДОЗАЛАРИ ДАРАЖАСИДА ЭКАНЛИГИ ЭЪТИРОФ ЭТИЛДИ

Пойтахтимизда «Ўзбекистонда муносиб меҳнатни илгари суриш: инсонга йўналтирилган ёндашув» мавзуида халқаро конференция бўлиб ўтди.

Одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш бўйича миллий комиссия ҳамда Халқаро меҳнат ташкилоти ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу тадбирдан кўзланган асосий мақсад меҳнат муносабатларини, биринчи навбатда, муносиб меҳнат тамойилларини такомиллаштириш жараёнларида халқаро ҳамжамият саъй-ҳаракатларини бирлаштиришга қаратилган янги таклиф ва ғояларни ишлаб чиқишдан иборатдир.

Ушбу нуфузли анжуманда Олий Мажлис Сенати Раиси, Одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш бўйича миллий комиссия раиси Т. Норбоева, Халқаро меҳнат ташкилоти Бош директори Г. Райдер, унинг ўринбосари Х. Коллер ҳамда БМТ, ЕТТБ, Европа Иттифоқи ва бошқа қатор халқаро ташкилотлардан 100 га яқин мутахассислар, экспертлар, хорижий мамлакатларнинг Ўзбекистондаги дипломатик ваколатхоналари раҳбарлари, шунингдек, парламент аъзолари, вазирлик ва идоралар вакиллари қатнашди.

2030 йилгача бўлган даврда БМТ Глобал кун тартибининг Барқарор ривожланиш мақсадларида белгиланган долзарб масалалар, яъни аҳоли бандлигини таъминлаш, муносиб ишга эга бўлиш ва меҳнат шароитларини яратиш ҳамда бу соҳада мамлакатнинг салоҳиятини мустаҳкамлаш, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш масалалари тадбир иштирокчилари томонидан атрофлича кўриб чиқилди.

Конференцияда сўзга чиққан Олий Мажлис Сенати Раиси юртимизда сўнгги йилларда Президент Шавкат Мирзиёев бошчилигида барча соҳада кўламдор ислоҳотлар амалга оширилаётгани, жумладан, меҳнат муносабати тизимида сезиларли ўзгаришлар бўлгани, соҳага институционал, ташкилий-ҳуқуқий, қонунчилик ва норма ижодкорлиги ҳамда халқаро стандартларни жорий этиш бўйича тизимли ишлар олиб борилаётганлигини таъкидлади.

Шу саъй-ҳаракатлар туфайли меҳнат муносабатлари борасида катта ютуқларга эришилди. Жумладан, қишлоқ хўжалиги соҳасида олиб борилган ишлар, тизимга бозор тамойиллари кенг татбиқ қилиниши ҳамда меҳнат қонунчилиги устидан самарали назорат ва мустақил мониторингнинг йўлга қўйилиши пахтачиликда мажбурий меҳнат ҳолатларининг тўлиқ бартараф этилишига замин яратди. Бу борада, шубҳасиз, давлатимиз раҳбарининг мажбурий меҳнатга барҳам бериш ва пахтачилик тармоғини ислоҳ қилишга қаратилган ташаббуслари муҳим аҳамият касб этди.

Мамлакатимизда муносиб меҳнат тамойиллари амалиётга изчил татбиқ қилинишида 2019 йилда ташкил этилган ва бугунги кунда самарали фаолият юритаётган Одам савдоси ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш бўйича миллий ва ҳудудий комиссиялар аъзоларининг ҳам салмоқли ҳиссаси бор.

→ 2

Сенатор ва ҳаёт

# ОЧИҚ МУЛОҚОТЛАР АМАЛИЙ САМАРА БЕРМОҚДА

*Аввал хабар берилганидек, айни пайтда Олий Мажлис Сенатида доимий асосда ишловчи сенаторлар ҳудудларда бўлиб, жойларда ислоҳотларнинг боришини ўрганмоқда, аҳоли вакиллари билан учрашувлар ўтказиб, уларни қийнаётган муаммоларни ҳал этиш чораларини кўрмоқда.*

Хусусан, Сенатнинг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитаси раиси Наримон Умаров Тошкент шаҳрининг Мирзо Улуғбек туманида бўлиб, бу ерда олиб борилаётган ишлар билан танишди.

Учрашувда туман Кенгаши депутатлари, ҳокимлик вакиллари, тегишли ташкилотлар раҳбарлари иштирокида жорий йилнинг биринчи чорагида рўёбга чиқарилган ишлар атрофлича муҳокама қилинди.

→ 2

Қонун лойиҳаси — муҳокамада

# МАҲАЛЛИЙ МАҲСУЛОТЛАР СИФАТИ ВА РАҚОБАТБАРДОШЛИГИ ОШАДИ

*Бугунги глобаллашув даврида маҳсулотлар ва хизмат кўрсатиш масалаларида истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, маҳсулот сифати ва рақобатбардошлигини ошириш, савдода техник тўсиқларни бартараф этиш мамлакат иқтисодиёти ривожининг устувор вазифалари ҳисобланади.*

Юртимизда амалдаги қонун нормалари техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги халқаро ҳужжатларнинг асосий принципларига мос келмайди. Ушбу қонунларни қўллаш соҳаларининг ноаниқлиги, ваколатли идораларнинг мажбуриятлари ва масъулиятларининг такрорланиши қатор муаммоларни келтириб чиқармоқда.

Бундан ташқари, амалдаги қонунчилик бўйича техник жиҳатдан тартибга солиш тизими маҳсулотлар эркин муомалага чиқарилишидан олдин мажбурий сертификатлаш шаклида (бозорга қадар назорат) назорат қилишга асосланган. Замонавий халқаро ёндашув эса ишлаб чиқарувчилар, сотувчилар ва импорт қилувчиларнинг хавфсиз маҳсулотларни бозорга етказиб бериш учун юридик жавобгарлигини ва бозор устидан кучайтирилган давлат назоратини назарда тутади.

Шундан келиб чиқиб, "Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди.

→ 2

# КЎЧМАС МУЛККА ТАҚИҚ ҚЎЙИЛГАНДА...

*Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитаси "Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси муҳокамасига бағишланган йиғилиш ўтказди.*

Парламент қуйи палатаси депутатлари, Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги, эксперт ва олимлар иштирок этган йиғилишда қонун лойиҳаси қизғин муҳокама қилинди, уни янада такомиллаштириш бўйича қатор таклифлар берилди.

Қайд этилганидек, барча ривожланган мамлакатларда кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш жараёнларини тартибга солувчи қонунчилик шаклланган ва ушбу қонунчилик асосида ўзларининг рўйхатдан ўтказиш тизимлари яратилган.

Ушбу ҳужжатда соҳага оид тушунчалар, ваколатли органлар, кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни рўйхатдан ўтказиш, маълумотлар тақдим этиш тартиби, ҳуқуқ белгиловчи ҳужжатлар ва хусусиятлари, рўйхатдан ўтказувчилар мақоми, кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни рўйхатдан ўтказишни ташкил қилиш, низоларни судгача ҳал этиш, жавобгарлик ва кафолатлар ёритилган.

Депутатлар мазкур қонун лойиҳасининг қабул қилиниши кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш билан боғлиқ бўлган қоидаларнинг ўзаро мувофиқлаштирилмаган нормаларини бартараф этиш имконини яратишини қайд қилдилар.

Шунингдек, қонунлар халқ манфаатлари хизматида бўлиши учун ундаги ҳар бир норма пишиқ-пухта ишланиши лозимлигини айтиб, лойиҳани янада такомиллаштириш, мукаммал ҳолатга келтириш бўйича қатор таклифлар берди.

Айни пайтда қонун лойиҳаси устида ишлаш давом этмоқда.

**«Халқ сўзи».**

## Хорижий экспертлар:

# ТАШРИФ ЯКУНЛАРИ ТАДБИРКОРЛАР УЧУН ИЖОБИЙ ИШОРАДИР

1

Ҳеч кимга сир эмаски, Президент Режеп Таййип Эрдоғаннинг Европада яшаётган турклар орасида обрўси баланд бўлиб, унинг сафарлари ва баёнотлари катта қизиқиш билан кузатиб борилади. Шуни катта ишонч билан айтишим мумкинки, Ўзбекистон ва Туркия раҳбарларининг мунтазам учрашувлари, ўзаро сиёсий алоқаларнинг мустаҳкамланиши ҳамда савдо-иқтисодий ҳамкорликнинг кенгайиши нафақат Туркиянинг ўзида, балки Ўзбекистонга жуда жозибали иқтисодиёт мамлакати, инвестиция киритиш асносида ишлаб чиқаришни йўлга қўйган ҳолда қўшни мамлакатлар ва минтақалар бозорларига чиқиш мумкин бўлган давлат сифатида қарайдиган Европадаги турк бизнесменлари учун ҳам ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантиришга ижобий ишорадир.

Президент Эрдоғаннинг қадимий Хивага ташриф буюргани, унинг кўҳна ва ранг-баранг ўзбек маданияти, санъати ва тарихий мероси билан танишгани ҳам туризм соҳаси вакили сифатида менинг алоҳида эътиборимни тортди. Айтиш жоизки, Ўзбекистон ўзининг улкан сайёҳлик салоҳиятини лутфан ва моҳирлик билан тарғиб қилаётгани таҳсинга сазовор.

**Абдуғани МАМАДАЗИМОВ, Тожикистон Сиёсатшунослар миллий ассоциацияси директори:**



— Тошкент янги Ўзбекистонни қуриш йўлидан собитқадамлик билан одимлаётгани ҳолда ўзининг фаол ташқи сиёсатини тизимли равишда олиб бормоқда.

Ўзбекистон Президенти март ойи бошларида Ҳинд океани бандаргоҳлари томон Жанубга янги темир йўл линиясини (Термиз — Мозори-Шариф — Кобул — Пешовар) ташкил этиш учун Покистонга расмий ташриф билан борган эди. Ушбу истиқболли инфратузилма ва логистика лойиҳаси денгизга чиқиш имкониятига эга бўлмаган Марказий Осиё мамлакатлари учун Жанубий Осиё орқали энг қисқа йўлни очиб беради.

Ўзбекистон пандемия сабабли 2020 йилда қолдирилган биринчи Тошкент халқаро инвестиция форумини муваффақиятли ўтказди. Унинг доирасида қиймати 7,5 миллиард доллардан зиёд ҳажмдаги шартнома ва битимлар имзоланди. Минтақадаги ушбу йирик сармоявий форумда дунёнинг 56 мамлакатидан ишбилармон доиралар вакиллари иштирок этди. Улар орасида Россия, Ғарб ва глобал молиявий институтларнинг фаол иштирокчилари билан бир қаторда, араб давлатлари ва Туркиядан ҳам вакиллар бор эди.

Ушбу форум якунланганидан сўнг Туркия Президенти Режеп Таййип Эрдоған ўзбекистонлик ҳамкасбининг таклифига биноан расмий ташриф билан Тошкентга келди. Ташриф доирасида Тошкент вилоятида замонавий иссиқлик электр станциясини ишга тушириш маросими бўлиб ўтди ва Туркиянинг "Cengiz Enerji" компанияси томонидан Сирдарё вилоятида худди шундай станцияни қуриш лойиҳаси бошланди. Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ушбу маросимдаги нутқида ўтган йили Туркия компаниялари билан биргаликда Ўзбекистоннинг жадал ривожланаётган иқтисодиёти талаб қиладиган бешта йирик энергетика лойиҳаси амалга оширилганини таъкидлади.

Бошқача айтганда, агар Ўзбекистон раҳбарининг Покистонга ташрифи қўшни республика ва минтақанинг халқаро йўл ва логистика имкониятларини кенгайтиришга қаратилган бўлса, Туркия Президентининг ташрифи мамлакатнинг жадал ривожланаётган миллий иқтисодиётини энергия билан таъминлашда муҳим қадам бўлди.

Тошкентда бўлиб ўтган музокаралар чоғида икки мамлакат раҳбарлари Ўзбекистон ва Туркия ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг 30 йиллиги ҳамда стратегик шериклик муносабатлари ўрнатилганининг 5 йиллиги нишонланаётган жорий йилда сезиларли натижаларга эришилганини қайд этдилар.

Кўп қиррали қўшма ҳаракатларни қамраб олган ушбу музокаралар якунлари бўйича томонлар кенг қамровли бўлган стратегик шерикликни янада мустаҳкамлашга қарор қилди.

**Алмаз АБИЛДАЕВ, сиёсатшунос, "Қозоғистон энергетика қирралари" маркази директори:**



— Икки қардош мамлакат ўртасидаги ҳамкорлик туфайли Ўзбекистон ўзининг миллий энергетика хавфсизлиги стратегиясини тизимли ва муваффақиятли тарзда амалга оширмоқда. Ушбу расмий ташриф доирасида Тошкент вилоятининг Қибрай туманида Туркиянинг "Cengiz Enerji" компанияси томонидан қурилган 20 мегаватт қувватга эга янги иссиқлик электр станциясининг очилгани бундан яққол далолат беради.

Ўзбекистон раҳбарининг энергетика соҳасида мавжуд ҳамкорлик салоҳиятини ишга солиш имконини берадиган лойиҳаларни амалга оширишга бўлган қатъий интилиши иқтисодий ўсишни ҳамда аҳолининг ижтимоий жиҳатдан таъминланишини янада кучайтиришга хизмат қилади.

Ўзбекистонда ўзини ўзи энергия билан таъминлаш ва энергетика хавфсизлиги бўйича вазифаларни ҳал этиш зарурлиги юзасидан яхлит тушунча мавжуд. Бундай асосий устқурмасиз ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг ҳар қандай модели барқарор тараққиётни таъминлай олмайди.

**«Дунё» АА.**

# ЮРТИМИЗДА МЕҲНАТ МУНОСАБАТЛАРИ ТИЗИМИ ЖАҲОН АНДОЗАЛАРИ ДАРАЖАСИДА ЭКАНЛИГИ ЭЪТИРОФ ЭТИЛДИ

1

Бу йўналишда давлатлараро ҳамкорликни ривожлантириш мақсадида Халқаро меҳнат ташкилоти, Халқаро миграция ташкилоти, Жаҳон банки, АҚШ Давлат департаменти ва Меҳнат вазирлиги, "Cotton Campaign" халқаро коалицияси каби ташкилотлар томонидан билдирилган таклифларни амалиётга жорий этишга қаратилган "йўл хариталари" ишлаб чиқилди ҳамда ҳаётга изчиллик билан татбиқ қилинмоқда.

Шу мақсадда Халқаро меҳнат ташкилоти билан самарали алоқа йўлга қўйилган бўлиб, охирги йилларда унинг кўмагида мажбурий меҳнатга қарши курашиш, меҳнат ҳуқуқларига риоя этилишини мониторинг қилиш ва меҳнат соҳасига оид халқаро стандартларни жорий этиш бўйича тизимли чора-тадбирлар амалга ошириб келинаётир.

Натижада 2014 — 2016 йилларга мўлжалланган ва кейинчалик 2020 йилга қадар узайтирилган Ўзбекистонда муносиб меҳнат дастурида кўзда тутилган устувор вазифалар ижроси тўлиқ таъминланди. Ана шу ҳамкорликни изчил давом эттириш мақсадида 2021 йил сентябрь ойида Ўзбекистонда муносиб меҳнат бўйича 2021 — 2025 йилларга мўлжалланган янги дастур қабул қилинди. Бу ҳужжат томонлар ўртасидаги ҳамкорликни янги босқичга кўтаришда дастуриламал бўлмоқда.



Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

**Г. РАЙДЕР, Халқаро меҳнат ташкилоти Бош директори:**

*— Ўзбекистонда муносиб меҳнат бўйича 2021 — 2025 йилларга мўлжалланган мамлакат дастури БМТнинг Ўзбекистон учун барқарор ривожланиш мақсадлари соҳасида ҳамкорлик дастурига тўлиқ мос келади ва юртингиз бундай дастурни қабул қилган илк мамлакат ҳисобланади.*

"Ўзбекистонда муносиб меҳнат бўйича 2021 — 2025 йилларга мўлжалланган мамлакат дастури БМТнинг Ўзбекистон учун барқарор ривожланиш мақсадлари соҳасида ҳамкорлик дастурига тўлиқ мос келади ва юртингиз бундай дастурни қабул қилган илк мамлакат ҳисобланади," деди Халқаро меҳнат ташкилоти Бош директори Г. Райдер.

Халқаро меҳнат ташкилотининг Европа ва Марказий Осиё мамлакатлари бўйича минтақавий бюроси директори Х. Коллер: "Мамлакатнинг янги дастури қабул қилиниши ўзаро манфаатли муносабатларимизнинг натижаси бўлиб, ҳамкорликни янги босқичга олиб чиқди", дея алоҳида таъкидлади.

Ўз навбатида, иштирокчилар томонидан муносиб меҳнат шароитларини яратиш борасида Халқаро меҳнат ташкилоти ва бошқа тузилмалар кўмагида мамлакатимиз эришган ютуқлар, айниқса, Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси доирасида олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар юқори баҳоланди ҳамда меҳнат муносабатлари тизими жаҳон андозалари даражасига кўтарилгани эътироф этилди.

Шунингдек, конференция доирасида ижтимоий ҳимоя, бандлик соҳасида самарали давлат бошқаруви ҳамда меҳнат борасидаги ижтимоий мулоқот мавзуларида сессия йиғилишлари ўтказилди. Уларда Бандлик ва меҳнат муносабатлари ҳамда Молия вазирликлари, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси, Иш берувчилар конфедерацияси, қатор халқаро ташкилотлар ва дипломатик корпус вакилларининг фикрлари тингланди.

Тадбир якунида Ўзбекистонда муносиб меҳнат тамойилларини янада ривожлантириш юзасидан янги лойиҳалар ишлаб чиқишга келишиб олинди.

**«Халқ сўзи».**

## Сенат қўмитасида

*Олий Мажлис Сенатининг Ёшлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси мажлиси ўтказилди. Унда Ёшларга оид давлат сиёсатининг ҳудудларда амалга оширилиши бўйича жорий этилган рейтинг баҳолаш тизими доирасида Ёшлар ишлари агентлиги томонидан олиб борилган ишлар муҳокама қилинди.*

# ЁШЛАР СИЁСАТИ БЎЙИЧА БАҲОЛАШНИНГ ЯНГИ УСЛУБИ

Қайд этилганидек, агентлик Олий Мажлис Сенатининг 2021 йил 31 июлдаги "Ёшларга оид давлат сиёсатининг ҳудудларда амалга оширилиши бўйича рейтинг тизимини жорий этиш тўғрисида"ги қарорида ёшларга оид давлат сиёсатининг ҳудудлардаги ижроси юзасидан рейтинг тизимини юритувчи ишчи орган сифатида белгиланган. Ушбу тизимга кўра, энг юқори натижа кўрсатган 3 та (1, 2 ва 3-ўрин) ҳудуд раҳбарлари ҳамда уларнинг ёшлар масалаларига масъул бўлган ўринбосарлари моддий ва маънавий рағбатлантирилади.

Бугунги кунда рейтинг баҳолашга доир маълумотларнинг марказлашган электрон тизимини жорий этиш мақсадида мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда www.yoshlarportali.uz — ёшлар портали платформаси фаолияти йўлга қўйилган ҳамда у орқали мутасадди раҳбарлар иш кўламини баҳолаш имконияти яратилган.

Айни пайтда агентлик томонидан ҳудудлардан 9 та индикатор ва 44 та субиндикатор асосида олинган маълумотлар рейтинг баҳолаш методикаси асосида баҳоланади. Шундан келиб чиқиб, йиғилишда Давлат статистика қўмитаси мутахассиси томонидан баҳолаш методикаси мазмун-моҳияти мутасаддиларга батафсил тушунтирилди.

Қолаверса, тадбирда рейтинг тизими бўйича қуйи поғоналар фаолиятини янада жонлантириш, дастлабки натижалар ҳақида Сенатга ахборот бериб бориш ва бу борада мутасаддилар масъулиятини янада ошириш лозимлиги айтиб ўтилди.

Ўз навбатида, рейтинг бўйича якуний натижалар Сенат ялпи мажлиси муҳокамасига олиб чиқилиши ҳамда унга кўра энг юқори натижа кўрсатган ҳудудда 30 июнь — Ёшлар куни муносабати билан ёшлар ва талабалар форумини ўтказиш тавсия этилиши таъкидланди.

Шунингдек, мажлисда Сенат ҳузуридаги Ёшлар парламентининг бугунги кунга қадар амалга оширган ишлари юзасидан ҳисоботи эшитилиб, унинг фаолиятини янада самарали ташкил этиш бўйича тегишли тавсиялар берилди.

Мажлисда муҳокама этилган масалалар юзасидан Сенат қўмитасининг тегишли қарорлари қабул қилинди.

**«Халқ сўзи».**

# ИНВЕСТИЦИЯ ВА ЭКСПОРТ ШАРТНОМАЛАРИ ИЖРОСИ НЕГА КЕЧИКМОҚДА?

*Олий Мажлис Сенатининг Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари қўмитасининг кенгайтирилган мажлисида Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигининг Ҳиндистонга ташрифи якунлари бўйича имзоланган "Йўл харитаси"нинг савдо-иқтисодий ва инвестициявий қисми ижроси юзасидан ахбороти эшитилди.*

## Эшитув

Унда сенаторлар, маҳаллий Кенгашлар депутатлари, манфаатдор вазирлик ва идоралар, давлат компаниялари, хўжалик бирлашмалари раҳбарлари, Ўзбекистоннинг Ҳиндистондаги элчиси ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари вакиллари иштирок этди.

Мажлисда "Йўл харитаси"га жами 3,2 млрд. долларлик 62 та инвестиция лойиҳаси ва 25 та экспорт шартномаси киритилгани, ҳозирги вақтга қадар 6 та лойиҳа муддатидан кечикиб татбиқ қилинаётгани, 36 та лойиҳа эса умуман амалга оширилмаётгани қайд этилди.

Шундан келиб чиқиб, эшитувда "Йўл харитаси" ижроси танқидий таҳлил қилинди ҳамда инвестиция лойиҳалари ва экспорт шартномаларини амалга оширишга масъул бўлимлар фаолиятига баҳо берилди.

Хусусан, сенаторлар ва маҳаллий Кенгашлар депутатлари томонидан олиб борилган ўрганишлар, инвесторлар, лойиҳалар ва экспорт битимлари ижросига масъул бўлган ташкилот ва идоралар билан ўтказилган учрашувлар якунларида Инвестициялар ва ташқи савдо, Соғлиқни сақлаш, Қишлоқ хўжалиги вазирликлари, "Ўзбектўқимачиликсаноат" ва "Ўзэлтехсаноат" уюшмалари, Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги, "Ўзтрейд" компанияси, Тошкент шаҳар, Сирдарё, Самарқанд, Бухоро ва Андижон вилоятлари ҳокимликлари томонидан лойиҳалар амалиётга татбиқ этилмагани ёки муддатидан анча кеч бажарилаётгани аниқланди.

Сенаторлар ҳар бир лойиҳа ижроси билан боғлиқ муаммолар қаторида, "Йўл харитаси"ни ўз вақтида ва тўлиқ амалга оширишга тўсқинлик қилаётган тизимли камчиликлар хусусида ҳам тўхталиб ўтдилар. Хусусан, бюрократия юқори даражада сақланиб қолмоқда, лойиҳалар ҳужжатлари босқичма-босқич ва ўз вақтида ишлаб чиқилиши етарли даражада таъминланмаган. Бу эса маблағ ажратиш, уни ўзлаштириш ва натижада ишлаб чиқариш қувватларини ўз вақтида ишга тушириш кечикишига олиб келмоқда.

Қолаверса, юртимизнинг аксарият ҳудудларида инвестиция лойиҳалари портфелини шакллантириш механизми йўлга қўйилмаган. Масалан, ҳиндистонлик ҳамкорлар иштирокидаги бир қатор лойиҳалар шунчаки ишлаб чиқариш омиллари йўқлиги туфайли истиқболсиз, деб топилган.

Боз устига идоралар ва ҳокимликларда инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш устидан ички назорат механизмининг заифлиги, баъзида умуман мавжуд эмаслиги, мониторинг жараёнига юзаки ёндашиш ҳолатлари ҳам қайд этилди.

Шу боис жойлардаги сенаторлар ва маҳаллий Кенгашлар депутатлари томонидан назоратни йўлга қўйиш, Кенгашлар сессияларида ҳоким ўринбосарларининг инвестиция масалалари бўйича ҳисоботларини мунтазам эшитиб бориш зарурлиги таъкидланди.

Тадбирда Сенатнинг тегишли қўмитаси томонидан бундан буён ҳар ойда давлат раҳбарининг хорижий ҳамкорлар билан учрашувлари ва музокаралари якунлари бўйича қабул қилинган "йўл хариталари" ижроси юзасидан Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигининг ахборотини эшитиш амалиёти йўлга қўйилиши маълум қилинди. Эшитувларнинг жадвали ва уларнинг натижалари бўйича лавҳалар оммавий ахборот воситаларида эълон қилиб борилади.

Мажлис якунлари юзасидан Сенат қўмитасининг мавжуд камчиликларни бартараф этишга қаратилган аниқ чора-тадбирларни ўз ичига олган қарори қабул қилинди.

**Зокир ХУДОЙШУКУРОВ («Халқ сўзи»).**

# ҚАРДОШЛИК РИШТАЛАРИ МУСТАҲКАМ АСОСГА ЭГА

*Тили, дини, урф-одатлари ва дунёқараши бир-бирига яқин халқлар ўртасидаги муносабатлар доим мустаҳкам асосга эга бўлади. Худди шундай, Ўзбекистон билан Туркия ўртасида азалий дўстлик ҳамда қардошлик ришталари тарихий аҳамиятга эга бўлиб, кейинги беш йилда бу алоқалар янада ривожланди.*

## Фикр

Туркия Президенти Режеп Таййип Эрдоғаннинг мамлакатимизга расмий ташрифи эса иккала дўст мамлакат ўртасидаги сермаҳсул амалий шериклик учун янги имкониятлар эшигини очиши, шубҳасиз.

Бу учрашувнинг яна бир аҳамиятли жиҳати шундаки, икки давлат ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганига ўттиз йил ҳамда стратегик шериклик муносабатлари йўлга қўйилганлигига беш йил тўлди. Бу даврда савдо ва инвестиция соҳаларида алоқалар жадал ривожланди.

Тошкентда бўлиб ўтган учрашувда асосий эътибор стратегик шериклик муносабатлари даражасини юксалтириш, икки мамлакат ўртасидаги сиёсий, парламентлараро, савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар алоқаларни кенгайтириш масалаларига қаратилди. Хусусан, давлат раҳбарлари мамлакатимиздаги ислоҳотлар борасида ҳамкорликни мустаҳкамлаш, давлат-хусусий шериклик механизмларини жорий қилиш, фан, таълим, санъат, кино, туризм ва ахборот соҳаларидаги шерикликни янада чуқурлаштириш муҳимлигини қайд этдилар. Ҳамкорлик кўлами кенгайганини ҳисобга олиб, томонлар икки ёқлама муносабатларни янги даражага — кенг қамровли стратегик шериклик босқичига олиб чиқишга қарор қилди.

Ўзбекистон — Туркия ҳамкорлигини янада кенгайтиришга қаратилган ҳужжатлардан — имтиёзли савдо тўғрисидаги битим, давлат чегаралари орқали товарлар ва транспорт воситаларининг ўтиши ҳақида олдиндан ахборот алмашиш тўғрисидаги баённома, меҳнат ва бандлик соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги англашув меморандуми, суд экспертизаси соҳасида ҳамкорлик меморандуми, қурилиш соҳасида англашув меморандуми, соғлиқни сақлаш вазирликлари ўртасида 2022 — 2023 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар режаси ҳамда Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги билан Туркиянинг "Анадолу" агентлиги ўртасида Ҳамкорлик битими имзолангани дўст мамлакат билан муносабатларимиз юқори даражага кўтарилганидан далолат беради.

Қисқаси, Ўзбекистоннинг хорижий давлатлар билан ўзаро стратегик шериклик алоқаларининг мустаҳкамланиши юртимизнинг ёрқин истиқболи ҳамда дунё ҳамжамиятида обрў-эътибори ошиб бораётганидан далолатдир.

**Дилбар УСМОНОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.**

# ОЧИҚ МУЛОҚОТЛАР АМАЛИЙ САМАРА БЕРМОҚДА

1

Сенатор Олий Мажлис Сенатининг йигирма тўртинчи ялпи мажлисида муҳокама қилинган ва маъқулланган қонунлар тўғрисида ҳам маълумот берди.

Шунингдек, мулоқот давомида туманда 2022 йилга мўлжалланган иш ўринларини яратиш ҳамда хизмат кўрсатиш шохобчаларини ташкил этиш бўйича дастурлар ижроси ҳолати, аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази фаолияти ва бошқа бир қатор масалаларга эътибор қаратилди.

* * *

Сенатнинг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси аъзоси Манзура Салимова Фарғона вилоятининг Олтиариқ ва Риштон туманларида бўлиб, фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) сайловига тайёргарлик жараёни билан танишди.

Сенатор ҳамда вилоят ҳокимлиги томонидан тузилган ишчи гуруҳ аъзолари Олтиариқдаги маданият марказида туман Кенгаши депутатлари, котибият мудири, доимий комиссиялари раислари ҳамда сайловга масъул ходимлар билан мулоқот ўтказди.

Учрашувда тумандаги 72 та маҳалла фуқаролар йиғинида сайловни юксак савияда ташкил қилиш, фаол ва фидойи, эл-юрт орасида ҳурмат-эътибор қозонган шахсларни сайлаш муҳимлиги қайд этилди.

Шундан сўнг сенатор Риштон туманининг "Қалайнав" ҳамда "Марказ" маҳалла фуқаролар йиғинлари идораларида бўлиб, фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайловини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича масъуллар билан суҳбатлашди.

**«Халқ сўзи».**

# МАҲАЛЛИЙ МАҲСУЛОТЛАР СИФАТИ ВА РАҚОБАТБАРДОШЛИГИ ОШАДИ

1

Мазкур ҳужжат Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг 2022 йил 9 март куни бўлиб ўтган мажлисида биринчи ўқишда қабул қилинган эди. Ўтган вақт мобайнида қонун лойиҳаси депутатлар, экспертлар томонидан маромига етказилмоқда.

Кеча Қонунчилик палатаси Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитасининг мазкур қонун лойиҳаси муҳокамасига бағишланган ишчи гуруҳи йиғилиши ўтказилди.

Таъкидланганидек, қонун лойиҳаси билан миллий сифат инфратузилмасининг ҳуқуқий асоси такомиллаштирилади, маҳсулотлар хавфсизлиги халқаро талаблар билан уйғунлаштирилади, савдо-сотиқдаги тўсиқлар бартараф этилади.

Шунингдек, лойиҳада белгиланаётган нормалар маҳаллий маҳсулотлар сифати ва рақобатбардошлигини оширишга, маҳсулот хавфсизлиги бўйича истеъмолчилар ва давлат манфаатларини ҳимоялашга хизмат қилади.

Қонун лойиҳасидаги ҳар бир модда депутатлар берган таклифлар асосида такомиллаштирилмоқда. Мазкур жараёнда ҳаволаки нормалардан воз кечилиб, уларнинг ўрни тўғридан-тўғри ишлайдиган меъёрлар билан бойитилмоқда.

Ишчи гуруҳи йиғилишида депутатлар қонун лойиҳасидаги техник регламентларда белгиланадиган мувофиқликни баҳолаш тартиб-таомиллари, тадбиркорлик субъектларининг мажбуриятлари ва ҳуқуқлари обдан муҳокама қилиниб, маромига етказилди.

Қонун лойиҳасини такомиллаштириш ишлари давом этмоқда.

**Раҳим ШЕРҚУЛОВ («Халқ сўзи»).**

# КАЛИФОРНИЯ ИШБИЛАРМОН ДОИРАЛАРИ ВАКИЛЛАРИ ЎЗБЕКИСТОНГА КАТТА ҚИЗИҚИШ БИЛДИРМОҚДА

1

Шунингдек, биринчи Тошкент халқаро инвестиция форумининг асосий натижалари, Ўзбекистонда муваффақиятли бизнес юритиш истиқболлари, хорижий инвесторлар учун тақдим этилган имтиёз ва преференциялар тўғрисидаги маълумотлар ҳам уларнинг эътиборига ҳавола этилди. Жерри Сандерс Ўзбекистон ва Сан-Диего шаҳри фармацевтика, биотехнология ва саноатнинг турли соҳаларида ўзаро ҳамкорликни кенгайтириш учун улкан салоҳиятга эга эканлигини таъкидлади.

Сан-Диего янги иш бошлаш учун Америка Қўшма Штатларидаги энг жозибали жой сифатида эътироф этилган. 2,5 мингдан ортиқ компанияни ўз атрофига жамлаган Сан-Диего минтақавий савдо палатаси қўшма бизнес лойиҳаларни амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон компаниялари билан ҳамкорлик ўрнатишдан манфаатдор эканлиги таъкидланди.

Жерри Сандерс Ўзбекистоннинг манфаатдор ташкилот ва муассасалари билан қизиқтирган масалалар бўйича тўғридан-тўғри алоқалар ўрнатишга, савдо-иқтисодий шерикликни кенгайтириш учун томонлар ўртасида яқин ҳамкорлик муносабатларининг ўрнатилишида амалий ёрдам кўрсатишга тайёр эканлигини алоҳида қайд этди.

Йиллик даромади 13 миллиард долларни ташкил этадиган Американинг энг йирик “Cox Communications” хусусий телекоммуникация компанияси вице-президенти Шанель Хокен ўз нутқида Ўзбекистонда амалга оширилаётган ўзгаришлар катта таассурот қолдирганини маълум қилди. У шунингдек, ўз компаниясининг Ўзбекистон билан яқин алоқаларини мустаҳкамлаш, айниқса, рақамлаштириш ва интернетга кириш имкониятларини кенгайтириш соҳасида мамлакатимизни қўллаб-қувватлашини айтди.



Манхеттен Бич шаҳри (Калифорния штати) мэрининг ўринбосари Ричард Монтгомери ушбу тадбирни ташкил этгани ҳамда АҚШ ғарбий соҳилидаги барча меҳмонларни чуқур ҳайратга солган ўзбек маданияти ва анъаналари билан танишиш имконияти яратилгани учун элчихонага миннатдорлик изҳор этди. “Мен жорий йилнинг июль ойида мамлакатингизга ташриф буюриб, унинг бой тарихий мероси ва салоҳияти билан янада яқиндан танишишни режалаштирмоқдаман”, деди у.

Тадбир доирасида дизайнер Марҳаматхон Умарованинг ўзбек тўқимачилик мактабининг бетакрор жозибаси ва тарихий қийматини яққол намоён этадиган янги коллекцияси ҳам тақдим этилди.

Эслатиб ўтамиз, Сан-Диего Калифорниянинг етакчи минтақаларидан бири бўлиб, ЯИМ (240 миллиард доллар) даражаси бўйича АҚШнинг энг йирик йигирма шаҳари қаторидан ўрин олган. Мудофаа саноати, сайёҳлик, ахборот технологиялари, илмий тадқиқот ҳамда тажриба-конструкторлик ишлари ва бошқалар ҳududнинг асосий иқтисодий ҳаракатлантирувчи кучи ҳисобланади. 50 дан ортиқ кемалари билан дунёда энг йирик саналадиган АҚШ ҳарбий-денгиз флоти ҳам Сан-Диегода жойлашган. Шаҳар, шунингдек, ҳар йили 30 миллиондан зиёд меҳмонларни қабул қилиш имконини берадиган сайёҳлик инфратузилмаси, ахборот технологиялари соҳасидаги инновацион ишланмалари билан ҳам довруқ қозонган. Сан-Диего шаҳрида, жумладан, дунёнинг “Qualcomm”, “Nokia”, “LG Electronics”, “Kyocera International”, “Cricket Communications” ҳамда бошқа йирик компанияларининг қароргоҳлари ва инновацияларни ривожлантириш марказлари жойлашган.

Калифорния Америка Қўшма Штатларининг энг кўп аҳоли (салкам 40 миллион киши)га эга бўлган, майдони бўйича эса Аляска ва Техасдан кейин учинчи ўринда турадиган йирик штати ҳисобланади. Калифорния ЯИМ ҳажми бўйича (3 триллион доллар) АҚШ штатлари ўртасида 1-ўринни эгаллайди. Ахборот технологиялари, аэрокосмик саноат, нефть қазиб олиш ва қайта ишлаш, шоу-бизнес, қишлоқ хўжалиги мазкур штат иқтисодиётининг энг муҳим тармоқлари ҳисобланади.

**«Дунё» АА.**
Вашингтон

Нуқтаи назар

# ЭНЕРГИЯ ТАҚЧИЛЛИГИ ҚАНДАЙ БАРТАРАФ ҚИЛИНАДИ?

*Ўзбекистоннинг иқтисодий ўсиш динамикаси барқарорлашди. Мазкур тенденция аҳоли турмуш даражасига ижобий таъсир кўрсатмоқда. Бошқа томондан эса бу икки омил электр энергияси истеъмолининг муттасил равишда ортишига сабаб бўляпти. 2030 йилгача мамлакатда электр энергиясига бўлган талаб йилига 6-7 фоиз ўсиши тахмин қилинган. Тезкор чоралар кўрилмаса, келгусида энергия тақчиллиги муаммоси тараққиётимизга тушов бўлиши сир эмас.*

Шунинг учун ҳам Президентимиз ташаббуси билан мамлакатимизда халқаро ҳамкорлар билан биргаликда анъанавий ҳамда муқобил энергия станцияларини қуришга катта эътибор қаратиляпти.

Тошкент халқаро инвестиция форуми доирасида муҳим воқеа — Сурхондарё вилоятининг Ангор туманида янги иссиқлик электр станцияси қурилиши бошланишига бағишланган маросим эртанги кунга бўлган ишончимизни янада мустаҳкамлади. Ушбу лойиҳанинг умумий қиймати 1 миллиард 200 миллион доллар бўлиб, унинг натижасида 1 минг 560 мегаватт қувват яратилади, йилига 12 миллиард киловат-соат электр энергияси ишлаб чиқарилади.

Лойиҳа доирасида энг замонавий технологиялар ўрнатилиб, йилига 1 миллиард куб метр табиий газ тежалади. Мажмуа Сурхондарёдаги биринчи, охирги йилларда юртимизда барпо этиладиган энг йирик иссиқлик электр станцияси бўлади. Бу ҳудуднинг чексиз иқтисодий салоҳиятини рўёбга чиқаришга катта имкониятлар яратади. Масалан, Сурхондарё ҳудуди нефть, газ, кўмир, қимматбаҳо ва рангли металлар, кўп турдаги безак тошлар каби 100 дан ортиқ конларга эга бўлса-да, улар етарли даражада ўзлаштирилмаган. Шунинг учун келгуси беш йилда бу вилоятда 7 миллиард долларлик 5 мингдан зиёд инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш кўзда тутилган.

Шунингдек, ушбу станцияда ишлаб чиқарилган электр энергияси Сурхондарёдаги 500 минг хонадонни ҳам нурга чулғайди. Бундан ташқари, қўшни Афғонистонга йилига камида 3 миллиард киловатт-соат электр энергиясини экспорт қилиш имконияти пайдо бўлади. Лойиҳа Германиянинг “Siemens Energy”, Франциянинг “IDEF”, Нидерландиянинг “Stone City Energy” компаниялари томонидан давлат-хусусий шериклик асосида амалга оширилади.

Очиғи, электр ишлаб чиқаришга илк бор хусусий сектор иштироки учун кенг имкониятлар очилди. Сўнгги уч йилда умумий қуввати 1 минг мегаваттдан зиёд бўлган 5 та электр станцияси давлат-хусусий шериклик асосида ишга туширилди. Жалб этилган хорижий инвестициялар ҳажми 1 миллиард доллардан ошди. Ҳозирги кунда мамлакатимизда қуввати 9 минг мегаватт бўлган яна 19 та электр станцияси барпо этилмоқда. Уларнинг умумий қиймати 10 миллиард доллардан зиёд.

Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида ҳам мамлакатимизнинг энергетик режалари ҳақида сўз боради. Ўзбекистон биргина иссиқлик электростанциялари билан чекланмайди. 2026 йилга бориб Ўзбекистонда қуёш ва шамол электр станцияларининг умумий қуввати 8 минг МВтга етади.

Энергетика вазирлиги маълумотида қайд этилишича, қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланишни кенгайтириш ва қўллаб-қувватлаш дастури ишлаб чиқилади. Ушбу дастурга кўра, умумий қуввати 4 минг МВт бўлган 8 та шамол электр станцияси қурилади. Шу билан бирга, умумий қуввати 4 минг МВт бўлган қуёш фотоэлектр станциялари фойдаланишга топширилади.

Энергетиканинг ҳам анъанавий, ҳам муқобил турларини ривожлантириш Ўзбекистон учун ягона тўғри йўл ҳисобланади. Бусиз тизимда “газаклаётган” муаммоларни ҳал этиб бўлмайди. Соҳада яқин истиқболда қилинадиган ишлар ҳамда эришилиши зарур бўлган мақсадли кўрсаткичлар 2020 — 2030 йилларда Ўзбекистон Республикасини электр энергияси билан таъминлаш концепциясида аниқ-тиниқ кўрсатиб берилган. Ушбу стратегик ҳужжат “Юртимизда энергия тақчиллиги қандай бартараф этилади?” деган саволга жавоб беради.

Концепцияда 2030 йилга қадар мамлакат электр энергия генерациясида қайта тикланувчи энергия манбалари (ҚТЭМ)нинг улушини 11 фоиздан ошириш кўзда тутилган. Шундан 5 фоизи қуёш, 3 фоизи шамол ҳамда 3,8 фоизи гидроэнергетика ҳиссасига тўғри келиши керак. Бу вазифалар босқичма-босқич бажариляпти. Давлатимиз раҳбарияти буни яхши англамоқда. Шу боис юртимизда электр энергиянинг бошқа манбаларидан бирдай самарали фойдаланиш масаласи кўндаланг қўйилган.

Мухтасар айтганда, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан энергетика соҳасида давом этаётган ислоҳотлар аҳоли ва тадбиркорлик субъектларини узлуксиз электр қуввати билан таъминлаш, кучли давлатлар қаторидан ўрин олиш, саноатни ривожлантириш, электр қувватини ҳатто, қўшни давлатларга катта миқдорда экспорт қилиш имкониятини яратади.

**Ойбарчин АБДУЛЛАЕВА,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.**

# СУВ ТЕЖОВЧИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР — МУВАФФАҚИЯТ ГАРОВИ

*Сенатнинг Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитаси томонидан Сув хўжалиги вазирлиги билан ҳамкорликда “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” миллий тадқиқот университетида семинар ўтказилди. “Сув тежовчи технологияларни жорий қилиш самарадорлиги ва уларнинг замонавий усуллари” мавзуидаги мазкур анжуманда сенаторлар, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари доимий комиссиялари раислари, экспертлар гуруҳи аъзолари, тегишли вазирлик ва идоралар вакиллари ҳамда журналистлар қатнашди.*

## Семинар

Семинарда Ўзбекистонда сув тежовчи замонавий технологияларни жорий этиш бўйича олиб борилаётган ишлар ва келгусидаги режалар, сув ресурсларини бошқариш ва сувни тежайдиган инновацион технологиялар бўйича кадрлар тайёрлаш борасидаги саъй-ҳаракатлар, томчилатиб ва ёмғирлатиб суғориш технологиялари орқали қишлоқ хўжалиги экинлари етиштиришда агротехник тадбирлар юзасидан мутахассис ва олимларнинг маърузалари эшитилди.

Сўзга чиққанлар Ўзбекистонда сўнгги йилларда кўпгина жабҳалар каби сув хўжалиги соҳасини ривожлантиришга ҳам катта эътибор берилаётгани, тизимни янада такомиллаштиришга қаратилган Президент ва ҳукумат Фармон ва қарорлари, давлат дастурлари қабул қилингани, улар ижросини таъминлаш ва тармоқда ислоҳотлар самарадорлигини ошириш бўйича олиб борилаётган изчил саъй-ҳаракатлар натижасида тараққиёт кўлами тобора кенгайиб бораётганлигини қайд этдилар. Сув хўжалиги соҳасидаги мавжуд муаммоларни аниқлаш, уларни ўз вақтида бартараф этиш осон кечмаётгани ҳам айтиб ўтилди.

Таъкидланганидек, соҳани янада ривожлантириш мақсадида бир қатор ҳужжатлар қабул қилиниб, ҳаётга изчил татбиқ этиб келинмоқда. Хусусан, Президентимизнинг 2021 йил 24 февралдаги “Ўзбекистон Республикасида сув ресурсларини бошқариш ва ирригация секторини ривожлантиришнинг 2021 — 2023 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори ва 2021 йил 6 апрелдаги “Сув ресурсларидан фойдаланиш соҳасида давлат бошқаруви ва назорат тизимини янада такомиллаштириш ҳамда сув хўжалиги объектлари хавфсизлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида” Фармони шулар жумласидандир.

Семинарда 2021 йилда суғориш ишларига республика бўйича 37,4 млрд. кубометр сув етказиб берилиб, 19,9 млн. гектар, жумладан, 6,9 млн. гектар ғалла, 3,9 млн. гектар пахта, 8,5 млн. гектар такрорий ва томорқа майдонида суғориш ва 0,7 млн. гектар майдонда шўр ювиш ишлари амалга оширилгани ҳамда мавсум давомида жами 8 млрд. кубометр сув тежалишига эришилгани ҳам маълум қилинди.

Шунингдек, тадбирда сув тежовчи технологияларни жорий қилишнинг иқтисодий самарадорлиги ва афзалликлари, бугунги кунда сувга бўлган талабнинг ортиши, бу борадаги муаммолар ва уларнинг ечимлари юзасидан фикр алмашилди.

Якунда Сенат қўмитасининг тегишли тавсиялари ишлаб чиқилди.

**«Халқ сўзи».**

# ЗАРАРСИЗ ПРЕПАРАТЛАР НОМЕНКЛАТУРАСИНИ КЕНГАЙТИРИШ — УСТУВОР ВАЗИФА

*Соғлиқ — инсоннинг ҳаётдан рози бўлиб, бахтли яшашида энг зарур неъмат. Шу боис Президентимиз томонидан мамлакатимиз тараққиётининг янги даврида соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантиришга алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Тизимда тўпланиб қолган муаммолар босқичма-босқич бартараф этиляпти.*

## Саломатлик

Давлатимиз раҳбари мамлакатимиз тарихида илк бор тиббиёт ходимлари билан ўтказган очиқ мулоқотида соҳани жаҳон андозаларига мос тарзда тараққий эттириш, мавжуд камчиликларни самарали ҳал қилиш борасида кўплаб ташаббусларни илгари сурди. Мазкур ташаббуслар ва уларни ўз вақтида соҳага татбиқ этиш эса тармоқ мутасаддилари, ходимлари, хусусан, биз, ёшлардан ҳам катта масъулият талаб қилади.

Очиқ мулоқотда юртимизда анъанавий тиббиёт билан бирга, халқ табобатини ривожлантиришга ҳам жиддий эътибор қаратилиши таъкидланди. Бу бежиз эмас, албатта. Халқ табобатининг устунлиги — касалликларни даволашда кимёвий қўшимчалари бўлмаган табиий доривор гиёҳларни кенг қўллашдир.

Аксарият юртдошларимиз хасталигига даво топиш илинжида бир маротаба бўлса-да, табибга мурожаат қилиши бор гап. Чунки кимёвий усулда тайёрланган дори-дармонлардан кўра, турли табиий гиёҳ ва дамламалар асосида шифо топишни афзал биладиганлар халқимиз орасида кўплаб топилади.

Табибларнинг аксарияти тиббиёт фанлари тараққиётининг асосий йўналишларини олдиндан белгилаб берган буюк аждодимиз Абу Али ибн Сино қолдирган манбаларга мурожаат қилиб, замонавий тиббиёт ожизлик қилган айрим хасталиклар давосини амалда кўрсатиб берса-да, уни тан олмасликка ҳаракат қилинди. Бугунги кунда халқ табобатини замонавий тиббиётга уйғунлаштириш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратиляпти.

Ўзим ёш талаба сифатида “Глилагин капсуласининг технологиясини ишлаб чиқиш” мавзуида магистрлик диссертация ишига қўл урдим.

Мавзунинг долзарблиги ҳозирги шароитда аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишнинг энг ишончли ҳамда самарали йўли диёримизда етиштирилган табиий, тоза доривор ўсимликлар асосида юқори сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқариш кўламини кенгайтириш билан боғлиқ. Арзон ҳамда сифатли дори воситалари билан таъминлаш эса юртимизда устувор вазифа сифатида белгиланган.

Сир эмас, ҳозирги кунда тиббиёт амалиётида қон тўхтатувчи препаратларга бўлган эҳтиёж ортиб боряпти. Жумладан, туғуруқ жараёнида амалга ошириладиган барча жарроҳлик амалиётида қон тўхтатувчи воситаларнинг захираси бўлиши лозим. Боиси бу инсон ҳаётини сақлаб қолишнинг асосий ва бирламчи омилларидан бири, десак, муболаға эмас.

Глилагин капсуласи қон тўхтатувчи препаратлар гуруҳига янги киритилаётган дори воситаси ҳисобланади. Шу боис тадқиқот мавзуси ушбу долзарб масалага бағишланган. Глилагин капсуласининг асосий таъсир этувчи моддаси лагохилин ва ёрдамчи моддаси глицирризин кислотасидан иборат бўлиб, бу дори препаратлари бачадон, ўпка, бурун ва бошқа аъзолардан қон кетишида тавсия этилади.

Ҳозирги кунда қон тўхтатувчи препаратларнинг жуда кўплаб янги гуруҳлари тавсия қилиняпти. Бундай моддалардан дори шаклларини яратиш мобайнида унинг даволовчи хоссасини сақлаб қолиш ҳамда биосамарадорлигини ошириш мақсадида қатор асосларнинг энг мўътадили танлаб олинади. Бу гуруҳга кирувчи дори воситалари тиббиёт амалиётида гемостатик дори воситалари деб юритилади. Уларга асосан таркибида “К” витаминини сақловчи, қон томири девори ўтказувчанлигини камайтирувчи ўсимлик препаратлари ва фибринолизни тўсувчи моддалар киради.

Глилагин капсуласи таркиби технологиясини ишлаб чиқиш ва сифатини тегишли меъёрий ҳужжатлар асосида баҳолаш тадқиқот ишимнинг асосий мақсадидир.

Шундан келиб чиқиб, глилагин субстанцияси физик-кимёвий хоссаларини ўрганиш, турли асослар иштирокида капсулалар олиш, олинган капсуланинг сифат ва миқдор кўрсаткичларидан келиб чиқиб, оптимал таркиб танлаш, шунингдек, танлаб олинган оптимал таркибли капсуланинг in vitro усулида биосамарадорлигини баҳолаш ҳамда сақланиш муддатини белгилашга қаратилган изланишлар олиб боряпмиз.

Шу асосда яратиладиган янги препарат Ўзбекистон фармацевтика корхоналарида ишлаб чиқаришга мўлжалланган қон тўхтатувчи препаратлар номенклатурасини кенгайтиришда муҳим аҳамият касб этади.

Шуни фахр билан айтишим мумкинки, бугун биз, талаба-ёшлар, изланувчилар учун тадқиқот ишини олиб боришда барча шароит яратиб берилган. Бу, ўз навбатида, ўз устимизда ишлаш ва изланишга бўлган иштиёқимизни янада оширяпти. Мақсадимиз эса ягона — халқ саломатлиги йўлида хизмат қилишдир.

**Маҳфузахон ЭГАМОВА,**
**Тошкент фармацевтика институти магистранти.**

# ДАСТЛАБКИ ЭШИТУВ ИНСТИТУТИНИНГ АФЗАЛЛИКЛАРИ

*Мамлакатимизда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, аввало, жиноий тажовузлардан ҳимоя қилишнинг ишончли кафолатларини таъминлаш, шунингдек, уларнинг шаъни ва қадр-қиммати камситилиши, қонуний манфаатлари чекланишига йўл қўймасликка қаратилган кенг кўламли ишлар амалга ошириляпти.*

*Олиб борилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг асосига қонун устуворлиги, фуқароларнинг қонун олдида тенглиги, инсонпарварлик, адолатлилик ва айбсизлик презумпцияси каби конституциявий принциплар пойдевор қилиб қўйилган. Ушбу ислоҳотларнинг мантиқий давоми сифатида Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси (ЖПК)га дастлабки эшитув институти киритилди.*

## Суд тизими

Дастлабки эшитув — суриштирув ва дастлабки терговорганлари фаолияти устидан бевосита тортишув принципи асосида амалга ошириладиган процессуал жараён бўлиб, суд муҳокамасига қўйилган масалалар ҳамда иш юзасидан тўпланган далиллар мажмуаси етарлилиги ва мақбуллиги ўрганилади. Жиноят процессида дастлабки эшитув институти тергов ва суриштирув органларининг хатти-ҳаракатлари қонунга мувофиқлиги юзасидан бевосита суд назорати ҳисобланади.

Дастлабки эшитув институтининг жорий этилиши суд ҳокимиятининг ваколатларини кенгайтиришга ҳамда тарафларнинг тортишувлик тамойилини мустаҳкамлашга хизмат қилади. Ушбу институтнинг ҳаётга татбиқ этилиши судга келиб тушган жиноят ишларини судда кўриш учун тайинлаш босқичида тарафларнинг дастлабки эшитувларда қатнашишига олиб келди. Қонун қабул қилингунга қадар ушбу босқичда тарафлар иштироки чеклангани сабабли мазкур жараёнда ҳал этилиши лозим бўлган муҳим масалаларни (масалан, ишни тугатиш ёки тўхтатиш) судья якка тартибда ҳал қилишга мажбур эди. Оқибатда судья чекланган маълумотга эга бўлганлиги учун бундай масалаларнинг ечими топилмасдан қолган ва асосий босқич — умумий суд мажлисига барча иштирокчилар чақирилиб, фуқароларнинг сарсон бўлишига олиб келган. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексига дастлабки эшитув институтининг киритилиши билан бу каби муаммолар бартараф этилди.

Жиноят иши бўйича дастлабки эшитув ЖПКнинг тегишли бобида назарда тутилган ўзига хос хусусиятлар инобатга олинган ҳолда, суд муҳокамасининг умумий қоидалари бўйича ўтказилади. Тарафларнинг илтимосига кўра ёки суднинг ўз ташаббуси билан жиноят иши бўйича иш юритишни тўхтатиб туриш ёки тугатиш, жиноят ишининг айблов далолатномасини, айблов хулосасини ёки тиббий йўсиндаги мажбурлов чорасини қўллаш тўғрисидаги қарорни тасдиқлаган прокурорга юбориш, жиноят ишларини бирлаштириш, номақбул далилларни ишдан чиқариб ташлаш тўғрисида тарафлардан бирининг илтимоси мавжуд бўлса, ушбу далилларни чиқариб ташлаш учун асослар мавжуд бўлган тақдирда дастлабки эшитув ўтказилади.

Жиноят иши бўйича дастлабки эшитув ўтказиш тўғрисида судья ажрим чиқаради. Дастлабки эшитув судья томонидан жиноят иши бўйича дастлабки эшитувни тайинлаш тўғрисидаги ажрим чиқарилган пайтдан эътиборан беш суткадан кечиктирмай бошланиши керак.

Дастлабки эшитувни ўтказиш давомийлиги дастлабки эшитув бошланган кундан эътиборан ўн суткадан ошмаслиги лозим. Дастлабки эшитув судья томонидан ёпиқ суд мажлисида якка тартибда, тарафлар иштирокида ўтказилади. Суд мажлисида айбланувчи, унинг ҳимоячиси ва давлат айбловчиси қатнашиши шарт. Ўз вақтида хабардор қилинган жабрланувчининг ва унинг вакилининг, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгарнинг ҳамда улар вакилларининг суд мажлисига келмаганлиги дастлабки эшитувни ўтказиш учун монелик қилмайди.

Агар жиноят иши бўйича дастлабки эшитувни ўтказиш чоғида айбланувчининг яширинганлиги аниқланса, судья ушбу айбланувчига нисбатан иш юритишни тўхтатиб туриш ва унга нисбатан қидирув эълон қилиш тўғрисида ажрим чиқаради. Айбланувчининг суд мажлисида иштирок этишини истисно қиладиган оғир ва давомли касалликка чалинганлиги суд-тиббий экспертиза хулосаси билан тасдиқланган тақдирда, судья ишни юритишни айбланувчи соғайгунига қадар тўхтатиб туриш тўғрисида ажрим чиқаради.

Қидирув эълон қилиниб, юритиш тўхтатилган жиноят иши айблов далолатномасини ёки айблов хулосасини тасдиқлаган прокурорга айбланувчини қидириш чораларини кўриш учун ўтказилади. Жиноят-процессуал кодексининг 83-моддаси, 84-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган ҳолатлар мавжуд бўлганда суд жиноят ишини тугатади. Айбланувчи, ҳимоячи ва давлат айбловчиси жиноят иши материалларидаги ҳар қандай далилни, агар уларни номақбул далиллар деб ҳисобласа, чиқариб ташлаш тўғрисида илтимоснома беришга ҳақли. Илтимоснома жиноят иши судга айблов далолатномаси ёки айблов хулосаси билан бирга юборилганидан кейин, айблов далолатномасининг ёки айблов хулосасининг кўчирма нусхаси олинган кундан эътиборан уч сутка ичида берилиши мумкин. Илтимосноманинг кўчирма нусхаси айблов далолатномасини ёки айблов хулосасини тасдиқлаган прокурорга, шунингдек, жабрланувчига илтимоснома судга тақдим этилган кунда юборилади.

Далиллар қонунга хилоф усуллар билан ёки жиноят процесси иштирокчиларини қонун билан кафолатланган ҳуқуқларидан маҳрум қилган ёки уларнинг ҳуқуқларини чеклаган ёхуд ушбу ЖПК талабларини бузган ҳолда олинганлигига асосланиб, уларни чиқариб ташлаш тўғрисида ҳимоя тарафи томонидан берилган илтимосномани кўриб чиқиш чоғида ҳимоя тарафи тақдим этган важларни рад қилиш прокурор зиммасидаги вазифа ҳисобланади. Қолган ҳолларда буни исботлаш вазифаси илтимоснома берган тарафнинг зиммасида бўлади.

Агар суд далилни чиқариб ташлаш тўғрисида қарор қабул қилса, мазкур далил юридик кучини йўқотади ва у ҳукмга ёки бошқа суд қарорига асос бўлиши, шунингдек, суд муҳокамаси жараёнида бу далилни текшириш ва ундан фойдаланиш мумкин эмас.

Ишни мазмунан кўриш давомида илгари номақбул деб топилган ва чиқариб ташланган далилни мақбул деб топиш масаласи тарафларнинг илтимосномасига асосан кўриб чиқилиши мумкин. Дастлабки эшитув вақтида ЖПК 392-моддасида назарда тутилган, жиноят иши келиб тушганидан кейин юзага чиққан асослар аниқланган тақдирда, судья ўз ташаббуси билан ёки тарафларнинг илтимосномасига кўра жиноят ишларини битта иш юритувга бирлаштириш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли.

Умуман, ушбу институтнинг жорий этилиши жиноят ишини умумий асосларда кўришга монелик қилаётган сабабларни тезкор бартараф этиш имкониятини берувчи қарорлар қабул қилиш жараёнида тарафларнинг тортишув принципига сўзсиз риоя этилишига, суд муҳокамаси чоғида фақат мақбул далиллардан фойдаланиш учун шарт-шароитлар яратишга хизмат қилади.

**Хуршид ХОТАМОВ,**
**жиноят ишлари бўйича Ўрта Чирчиқ тумани суди раиси.**

Гамхўрлик

# ОРОЛБЎЙИДА САМАРҚАНДЛИК ШИФОКОРЛАР МУРАККАБ ЖАРРОҲЛИК АМАЛИЁТИ ЎТКАЗДИ

*Қорақалпоғистон тиббиёт институти клиникасида юракка туғма нуқсони бор беморларда илк маротаба юқори технологик операция амалга оширилди. Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази Самарқанд вилояти филиалининг кардиожарроҳ шифокорлари бошчилигида ўтказилган операциялар муваффақиятли кечди.*



— Ушбу жарроҳлик амалиётининг ўзимизда бажарилиши тарихий воқеа, — дейди Қорақалпоғистон тиббиёт институти клиникаси бош шифокори Давлат Ҳамидуллаев. — Илгари Қорақалпоғистонда юракни тўхтатиб қўйиб, махсус аппаратураларда қон айланишини сунъий таъминлаган ҳолда очиқ операция қилинмаган. Амалиёт жуда яхши ўтди, ҳозирча асоратлар ёки бирорта салбий ҳолат кузатилмади. Беморлар ўзларини яхши ҳис қилаётир. Биз самарқандлик ҳамкасбларимиз билан бу йўналишдаги ишларни ҳамкорликда давом эттирмоқчимиз. Шу кунларда клиникамизнинг бир гуруҳ шифокорлари Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази Самарқанд вилояти филиалида малака ошириш учун жўнатилади.

— Фарзандим юрак хасталигидан азият чекарди, — дейди Света Шомуратова. — Уни даволатиш учун анча ҳаракат қилдик. Тошкент шаҳрига бориб кўрикдан ўтказилган бўлсада, маблағ етишмаслиги ва масофанинг узоқлиги сабаб шу кунгача жарроҳлик амалиёти ўтказилмаган эди. Мана, бугун малакали шифокорлар Нукусга келиб, мушкулимизни осон қилишди. Бунинг учун, аввало, мана шундай чекка ҳудудларда мураккаб операцияларни бажариш тизимини йўлга қўйган давлатимиз раҳбарига, қолаверса, барча тиббиёт ходимларига миннатдорлик билдираман.

Умуман, самарқандлик кардиожарроҳлар томонидан бу ерда 4 нафар беморда жарроҳлик амалиёти ўтказилди.

Маълумот ўрнида айтиш жоиз, Оролбўйи аҳолисига малакали чуқурлаштирилган тиббий хизмат кўрсатиш тизими самарали рўёбга чиқарилмоқда. Жорий йилнинг февраль ойида даволанишга муҳтож ва эҳтиёжманд беморларнинг 235 нафарида жарроҳлик амалиётлари ўтказилди. 15 — 21 март кунларида "Болалар табассуми" лойиҳаси доирасида 44 нафар болада пластик жарроҳлик амалиёти бажарилди.

**Ғайрат ОТАЖОНОВ («Халқ сўзи»).**

# КЎРКАМ ИЖОД БОҒИДА ФУСУНКОР БАЙРАМ

*Юртимизда Наврўз тантаналари давом этмоқда. Баҳорий янгиланиш кўнгилларга илиқ кайфият бағишлайди, халқимиз учун ҳеч нарса билан ўлчаб, баҳолаб бўлмайдиган буюк неъмат — тинчлик ва осойишталик, фуқаролар тотувлиги, аҳиллик ва ўзаро ҳурмат муҳити эртанги порлоқ истиқболдан дарак беради. Зеро, Наврўз ҳар бир инсонни яхшилик қилишга, қувонч улашишга, хайрли ва савоб ишларга ундайди.*

Маънавият

Ана шундай баҳорий кайфиятда қуёш Шарқдан бош кўтарган пайтда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзолари — таниқли ижодкорлар, адиблар, шоирлар Наврўз айёмини нишонлаш мақсадида ўзлари учун Тошкент вилоятининг Паркент туманида, пурвиқор тоғлар орасида ястанган Заркент қишлоғида янгидан қуриб битказилган "Паркент" ижод уйига икки автобус бўлиб йўл олишди.

Заркент қишлоғига етганимизда ҳаво янада мусаффолашди. Кўкда қуёш нур сочиб турибди, кўклам қалдирғочлари самода чарх уради, ерда эса бир қарич қор, энди-энди эриб, Заркатсойга жилғаланиб оқади.

Тадбир доирасида тумандаги 29-болалар мусиқа ва санъат мактабида ёшлар, адабиёт мухлислари билан учрашув бўлиб ўтди. "Адабиёт — халқнинг юраги" мавзуидаги маънавий-маърифий учрашувда Тошкент вилоятининг Юқори Чирчиқ, Қибрай, Паркент ва бошқа туманларидан ёшлар етакчилари, жамият ҳаётида фаол иштирок этаётган йигит-қизлар, иқтидорли ўқувчилар қатнашди.

Қизғин суҳбатлар, савол-жавоблар билан ўтган тадбирда ёшларга ўзбек ва жаҳон адабиётининг энг сара намуналаридан иборат тўпламлар туҳфа этилди. Шоирларимизнинг ижодидан намуналар ўқилди.

Тадбирлар "Паркент" ижод уйида давом этди. Уч қаватдан иборат ушбу маскан ҳамманинг ҳавасини келтиргани рост — ён-атрофи тоғлар ва боғлар билан қуршалган, кўнгилга ижодий кайфият бағишлайдиган муҳит. Созандаларнинг куй-қўшиқлари тоғлар қўйнида акс садо беради.

Тадбирда сўз олганлар янгиланиб бораётган Ўзбекистонда миллий адабиёт, маънавият ва маърифат ривожига алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Адабиёт соҳаси фидойиларини ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, уларнинг эркин ва самарали ижод қилиши учун зарур шароит ва имкониятларни яратиш юзасидан тизимли ишлар олиб борилмоқда.

Айтиш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил 5 апрелдаги "Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига асосан Паркент туманида "Паркент" ижод уйи қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Эркин ижод учун барча шароит яратилган ушбу маскан янги-янги асарларнинг дунёга келиши, адабий мулоқотлар қамровининг кенгайишига хизмат қилиши, шубҳасиз.

Тадбирда Тошкент вилояти ҳокими вазифасини бажарувчи Зойир Мирзаев ижодкорларни айём билан муборакбод этиб, жумладан, шундай деди:

— Мамлакатимизда эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш, инсон қадрини улуғлашдек буюк мақсадлар йўлида олиб борилаётган ислоҳотлар жараёнида эзгулик ва инсонпарварлик тамойили юксак тутилаётир. Ўзига хос миллий ва маънавий қадриятларимиздан ҳисобланган Наврўз умумхалқ байрами бу йил вилоятимизда "Ассалом, Наврўз — янгиланиш, меҳр-оқибат ва қадр-қиммат айёми!" деган бош ғоя асосида барча маҳалла ва қишлоқларда, хонадонларда умумхалқ сайиллари сифатида нишонланмоқда. Аввало, Паркент туманининг кўркам гўшасида бунёд этилган ушбу ижод уйи ҳаммаларингизга қутлуғ бўлсин! Бу янги масканда яхши-яхши ижод намуналарини яратишингизда муваффақият тилайман.

Наврўз инсон ва табиат ўртасидаги уйғунлик, дегани. Буни ҳис қилган ҳар бир инсон она заминга меҳр қўйиб, унинг неъматларини асраб-авайлаши, бугунги тинч ҳаётни қадрлаб, шукроналик туйғуси билан яшашни ўз ҳаётининг мазмуни, деб билиши керак.

Тадбирда сўзга чиққанлар ана шу фикрларни таъкидлади, ижодкорларни инсон қадрини улуғлашга қаратилган эзгу ишларга камарбаста бўлишга ундади.

Таниқли санъаткорлар ва ёш ижрочилар иштирокидаги концерт дастури барчага хушкайфият улашди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси Хайриддин Султонов сўзга чиқди.

**Нуруллоҳ ОСТОНОВ («Халқ сўзи»).**

Бунёдкорлик

# ДЕНОВДА 384 ТА ОИЛА ЯНГИ УЙЛИ БЎЛДИ

*Президентимизнинг 2020 йил 9 апрелдаги "2020 — 2022 йилларда Сурхондарё вилоятининг Денов тумани ва унинг марказини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш тўғрисида"ги қарори ижроси доирасида мазкур ҳудуд замонавий қиёфа касб этиб, аҳоли турмуш фаровонлигини таъминлашга хизмат қилувчи кўплаб янги иншоотлар фойдаланишга топширилмоқда. Жумладан, туманнинг Лочин маҳалласида 4 та 16 қаватли уйларнинг бунёд этилиши натижасида бир йўла 384 та оила тураржойга эга бўлди.*



Янги хонадонларни ўз эгаларига топширишга бағишланган маросимда таъкидланганидек, эндиликда марказдан олис ҳудудларда ҳам тажрибали қурилиш компаниялари томонидан енгил конструкцияли кўп қаватли уйлар барпо этилмоқда. Мазкур даҳаларда аҳолига хизмат кўрсатишга мўлжалланган савдо ва маиший шохобчалар, боғча, мактаб, оилавий поликлиника сингари ижтимоий соҳа иншоотлари ҳам қад ростлаяпти.

Айтиш жоизки, давлатимиз раҳбарининг 2021 йил 11 мартдаги "Бозор тамойилларига асосланган ипотека кредитларини ажратиш орқали аҳолини уй-жой билан таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони ижроси доирасида Сурхондарё вилоятида 2 минг 400 та янги уй-жой қурилиши белгиланган.

**Илҳом РАҲМАТОВ («Халқ сўзи»).**

# ИШСИЗЛАР ДОИМИЙ ДАРОМАД МАНБАИГА ЭГА БЎЛМОҚДА

*Жорий йилда Андижон вилоятида 131 минг 96 нафар мигрант хатловдан ўтказилиб, уларнинг иш фаолияти, лаёқати ва тажрибаси ўрганилиб, муносиб иш ўринлари тавсия этилди. Натижада қисқа муддат ичида хориждан қайтган 22 минг 834 нафар ҳамюртимиз доимий даромад манбаига эга бўлди.*

Эътибор

Балиқчи туманидаги Гулшан маҳалласида яшовчи Дилшодбек Мадумаров ана шундай юртдошларимиздан бири.

— Бир неча йиллар давомида хорижда қурилиш соҳасида меҳнат қилдим, — дейди у. — Тан олиш керак, мусофирчиликда ҳар қанча кўп пул ишламанг, барибир ўз уйингиздаги муҳитни, меҳрни ҳеч қаердан топа олмайсиз. Оила, Ватан соғинчи кўнгилга таскин бермайди. Бизнинг тақдиримиз, келажагимиз, орзу-ниятларимиз Ўзбекистон билан боғлиқми, демак, ҳаммасига шу ерда эришганимиз афзал. Афсуски, қишлоғимизда бунинг имкони бўлмагани боис хорижда тирикчилик қилишимга тўғри келган эди. Мана, орадан йиллар ўтиб, ҳаммаси ортда қолди. Андижонга келсам, қурилиш майдонига айланмаган жойнинг ўзи қолмабди. Шу боис хорижда тўплаган тажрибамизни ишга солишга қарор қилдик. Натижада юртга қайтган мигрантлардан иборат қурувчилар бригадасини ташкил этдик. Ҳар ойда ўртача тўрт миллион сўмдан даромад топмоқдамиз. Энг муҳими, оила бағридамиз.

Ҳозирда Андижон вилоятида мигрантларни иш билан таъминлаш асносида саломатлигини тиклаш, ижтимоий ҳимоялаш, бошқа давлатларда таҳсил олаётган йигит-қизларнинг ўқишини маҳаллий олий таълимга йўналтириш борасидаги ишлар давом этмоқда.

**Саминжон ҲУСАНОВ («Халқ сўзи»).**

ЭЪЛОН

**КИЧИК НОВВОЙХОНА**

**керамик иситкичларда**
(тандир усулида)

**Ишлаб чиқариш ҳажми, бир соатда:**

1) Нон (лепёшка) — 60 та.
2) Булочкалар 15x15 см. — 108 та.
3) Сомса 12x12 см. — 128 та.
4) Пицца 45x45 см. — 20 та.

**Электр энергияси истеъмоли сарфи** — 8.4 кВт.

**Ёнғинга хавфсиз, кучланиш ўзгаришига мослаштирилган (фаза номутаносиблиги).**

**12 ойлик кафолат.**

**5 йил бепул сервис хизмати кўрсатилади.**

**Нархи 10 миллион 950 минг сўм.**

**Мурожаат учун телефонлар: 95-169-68-51, 71-279-38-54.**

«Transkasb» корхоналар уюшмаси жамоаси «Navoiy avtomobil o'quv ishlab chiqarish kombinati» масъулияти чекланган жамияти раҳбари **Раҳим МУҚИМОВнинг** вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

«Микрокредитбанк»:

# САРМОЯЛАР ВА ХИЗМАТЛАР АНИҚ МАҚСАДЛАРГА ЙЎНАЛТИРИЛМОҚДА



*Бугун банклар нафақат кредит ажратувчи ёки банк хизматлари кўрсатувчи молиявий муассаса, балки одамларнинг оғирини осон қилувчи, яқиндан кўмак берувчи маскан ва ишончли маслаҳатчига айланмоқда. Зотан, бу — давр талаби. Чунки аҳоли, яъни мижозлар билан яқин ҳамкорлик қилмасдан, бу борада уларни қийнаётган масалаларга ечим топмасдан туриб бирор натижага эришиш қийин.*

Молия муассасаларида

MIKROKREDITBANK

Айтиш жоизки, "Микрокредитбанк" акциядорлик тижорат банки жамоаси бу борада етарлича тажрибага эга. Банк мижозлари сафи кенгайиб, кўрсатилаётган хизматлар сифат жиҳатидан тобора яхшиланиб бораётгани шундан далолат беради.

Яқинда пойтахтимизда банк томонидан ўтган йил давомида амалга оширилган ишлар ва истиқболдаги режалар мавзуида ташкил этилган матбуот анжуманида шу ҳақда янада батафсилроқ маълумотлар берилди.

Жумладан, "Микрокредитбанк" АТБ бошқаруви аъзоси, департамент директори Алишер Мустафоевнинг таъкидлашича, ўтган йили молия муассасаси томонидан муайян ишлар амалга оширилган. Бунда банкнинг 71 та филиали, 90 та банк хизматлари маркази, 24 та минибанки, 120 та ўз-ўзига хизмат кўрсатиш офиси, 150 та махсус кассада 250 мингга яқин юридик ҳамда 1 миллион 250 минг нафардан зиёд жисмоний шахсларга хизмат кўрсатилаётгани айни муддао бўлмоқда. Пировардида, 2021 йилда банк активлари 31 фоиз, кредит потфели 27 фоиз, депозитлар қолдиғи 31 фоиз, шундан аҳоли омонатлари қолдиғи 29 фоиз ўсди.

Шунингдек, ўтган йилда барча молиялаштириш манбалари ҳисобидан жами 5,9 триллион сўмлик кредитлар ажратилиб, 95 мингга яқин аҳоли бандлиги таъминланди. Хусусан, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурига асосан, 72 минг 715 та аҳоли ва тадбиркорлик субъектига 2 048 миллиард сўмлик кредитлар берилиб, 81 мингдан ортиқ янги иш ўринлари яратилди.

Маълумки, Президентимизнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида ёшларни тадбиркорликка жалб қилиш ва уларни иш билан таъминлаш борасида аниқ вазифалар белгилаб берилган эди. Шундан келиб чиқиб, банк томонидан ижтимоий дастурлар доирасида ажратилган имтиёзли кредитлардан 1 270 миллиард сўмлик (ёки 62 фоизи) қисми 45 мингга яқин ёшларнинг ўз бизнесини ташкил этиши учун йўналтирилди. Бунинг натижасида 49 мингга яқин йигит-қизлар бандлиги таъминланди. Ушбу кредитларнинг асосий қисми тегишли сертификатга эга бўлган ёшларга берилгани диққатга сазовор.

Шу билан бирга, ҳудудларда "темир дафтар", "ёшлар дафтари" ва "аёллар дафтари"га киритилган 28 мингга яқин аҳолининг эҳтиёжманд қатлами вакилларига 633 миллиард сўмлик имтиёзли кредитлар ажратилди. Эътиборлиси, биргина имтиёзли кредитлар ҳажми 2020 йилдагига нисбатан 611 миллиард сўм ёки икки баробар, аҳоли бандлигини таъминлаш кўрсаткичи эса 27 мингтага ўсди.

Инвестициявий дастурлар доирасида жами 246 та лойиҳага 1 429 миллиард сўм миқдорида кредитлар ажратилиши ва лойиҳаларнинг ишга туширилиши натижасида 4 минг 732 кишининг бандлиги таъминланди. Аниқроғи, бугун уларнинг 3 минг 89 нафари саноат, 578 нафари хизмат кўрсатиш, 1 минг 65 нафари қишлоқ хўжалиги соҳасида фаолият юритмоқда.

Ҳудудларни иқтисодий-ижтимоий ривожлантириш дастурлари доирасида ажратилган 1 946 миллиард сўм миқдоридаги кредитлар ҳисобига эса 1 минг 254 та янги лойиҳа ишга туширилди.

Президентимизнинг 2021 йил 14 июндаги "Паррандачиликни ривожлантириш ва тармоқ озуқа базасини мустаҳкамлашга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ижроси юзасидан 182 та лойиҳага 444,2 миллиард сўм миқдорида кредитлар ажратилиши туфайли йилига қўшимча 1 265 миллион дона тухум ва 74,4 минг тонна парранда гўшти, 180,5 минг тонна парранда озуқаси етиштириш қувватлари яратилиши кутилмоқда.

Бундан ташқари, ўтган йили 66 та қуёнчилик хўжалигига 168,4 миллиард сўм, 1 минг 639 нафар жисмоний шахсга ўз хонадонида қуёнчиликни ривожлантириш мақсадида 40,5 миллиард сўм йўналтирилди. Бугунги кунда мазкур соҳага ажратилган жами кредитлар миқдори 453,6 миллиард сўмни ташкил этмоқда. Яъни 4 минг 773 нафар мижоз ундан баҳраманд бўлди.

Қолаверса, мижозларга кўрсатилаётган хизматлар сифатини ошириш мақсадида 15 та янги банк биноси қурилиб, 31 та бино капитал ва жорий таъмирланди. 25 та янги, замонавий, ихчам Банк хизматлари марказлари фаолияти йўлга қўйилди. Венгриядан 300 та янги банкомат келтирилиб, чекка ҳудудлардаги 24/7 хизмат кўрсатиш офисларига жойлаштирилди.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, онлайн хизматлар оммалашувини инобатга олган ҳолда банкнинг янги мобиль иловаси ишлаб чиқилди. Ҳозир иловада 20 дан ортиқ янги онлайн хизматлар йўлга қўйилган. 300 мингдан ортиқ фойдаланувчилар омонат, кредит, пул ўтказмалари, коммунал тўловлар каби хизматлардан масофадан туриб фойдаланмоқда.

Кредит қарорларини қабул қилиш жараёнларини автоматлаштириш бўйича "андеррайтер" тизими жорий қилиниб, 20 турдаги кредит маҳсулотлари ушбу тизим орқали ажратилмоқда. Яъни 104 мингдан зиёд жисмоний шахсларга ҳамда 26 мингдан ортиқ юридик шахсларга айнан шу тизим ёрдамида модулли кредитлар тақдим этилди. Жисмоний шахсларга "Овердрафт", "Истеъмол", "Микроқарз" кредитларини ажратиш жараёни тўлиқ автоматлаштирилди.

Реклама ўрнида

**Албатта, қилинган ишлар ёки эришилган натижалар чегара эмас. Изланиш, ташаббус кўрсатиб ишлаш изчил давом эттирилади. Бу табиий жараён. Шу мақсадда жорий йилда:**

— меҳнат мигрантлари учун кредит олиш, омонат очиш, халқаро пул ўтказмаларини амалга ошириш каби хизматларни ўз ичига олган комплекс банк хизматлари яратилади;

— электрон виртуал карталар тақдим этиш функциялари жорий қилинади;

— бизнес жараёнларни оптималлаштириш орқали операцион харажатлар қисқартирилади;

— банкнинг янги корпоратив сайти ишга туширилиб, аҳоли молиявий саводхонлигини ошириш бўйича дастурлар тақдим этилади;

— соҳада халқаро нуфузга эга компаниялар иштирокида микрокредит ташкилотини ташкил этиш лойиҳаси ижросини таъминлаш каби қатор тадбирларни амалга ошириш режалаштирилган.

Булардан кўзланган мақсад аниқ — банкнинг хизмат кўрсатиш сифатини янада ошириш ва мижозларга қулайлик яратиш орқали мамлакатимиз тараққиёти, аҳоли турмуш даражасини юксалтиришдир.

Матбуот анжумани давомида "Микрокредитбанк" АТБ масъул ходимлари журналистлар томонидан берилган барча саволларга батафсил жавоб қайтарди.

**Банк ахборот хизмати.**

*Хизматлар лицензияланган.*

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 448. 31 369 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — Д. Улуғмуродов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 22.30 Топширилди — 00.35 1 2 3 4 5 6